

Зино ва фаҳшга йўлиққанларнинг сўзлари ва уларга жавоблар (йигирма учинчи мақола)



17:00 / 23.11.2020 3185

Зино ва фаҳш масаласини баҳс қилиш чоғимизда бу мавзуга доир Қуръон оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадислари ва олимларимизнинг айтганларини келтириш билан бирга зино ва фаҳшга йўлиққан, ушбу жирканч йўлга кириб чиққан ёки киргач чиқа олмаётган инсонларнинг ҳаётларини, афсусларини ва юракдан чиққан сўзларини ҳам келтиришни мақсад қилган эдик.

Маълумки, бу кўчага қадам қўйганлар кўп, аммо уларни топиб суҳбатлашиш, ичларидаги гапларни билиш ва қалбларига бирданига кириб бориш мушкул иш. Шу сабабли бундай инсонлар билан касб тақозоси ила таниш бўлиши мумкин бўлган, Аллоҳни таниган бир дўстимизга мурожаат қилдик. Дўстимиз – унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин – мақсадимизни дарров

англади ва ўзининг Исломдан ҳам, замонавий илмлардан ҳам хабари бор гинеколог таниши бор эканлигини, у инсон бу мавзудан кўп хабари бор эканлигини, ҳатто шахсий тадқиқот ҳам ўтказиб кўрганлигини бизга билдирди.

Биз дўстимиз билан у кишининг олдиларига бордик ва кўп фойдали маълумотлар олдик. У киши тиббиёт ходими бўлганликлари учун бу йўлга кирганлар билан кўп суҳбатда бўлиб, уларнинг ёмон оқибатларга йўлиққанларини ҳаётини мисоллар ила сўзлаб бердилар.

Қуйида биз шу кишидан ва бошқа кишилардан эшитган маълумотларимиз ва ўқиган китобларимиз асосида зино ва фаҳш йўлига кирганларнинг қалбларидан чиққан сўларидан саралаб олинганларини ва уларнинг ҳолатига тушганларга Ислом тарафидан берилган жавобларни келтирамиз.

Зинокор эркак: «Ёшим 31да, 2та болам бор. Уйланганимдан кейин ҳаётим ўзгарди. Аёлим билан яхши чиқишар эдик. Аммо орадан бир неча йил ўтгач аёлимдан жинсий томондан қониқишим бўлмай қолди. Авваллари эътибор бермаган фаҳш нарсаларга эътиборли бўлиб қолдим. Бир марта бир ўртоғимнинг компютерида фаҳш суратга олинган видеони кўриб фаҳшга талпинишим қаттиқ ортиди. Ҳозир ўша кунга, ўша видеога ва ўша «ўртоғим»га лаънат айтишга ҳам тайёрман. Кейинроқ улфатлар даврасида ўтирганимда улардан бири «аёллар»га боришини айтди. Шунда: «Мени ҳам олиб бор», дея олмай гапни айланттирдим. У эса «хоҳласанг сени ҳам олиб бораман» деди ва эртасига телефон қилиб, чақириб, мени у ерга олиб борди. Шундай қилиб зино кўчасига кирдим. Мен зинонинг ёмон ишлигини билар эдим, аммо бундан ортиқча ҳеч нарса билмас эдим. Ҳозир эса зинонинг ҳаром эканлиги, охирада унинг жазоси қаттиқ бўлишини биламан. Лекин...! Зинодан бир неча марта қайтишга жазм қилдим. Афсуски, бир қанча вақт ўтгач нафсим қўймай яна шу ишга қўл уриб қўймоқдаман. Бир тарафда аёлим, фарзандларим ва ота-онам олдида ичим эзилади.

Жавоб: Аввало сиз фаҳш ва зинонинг ва уларга олиб борувчи йўлларнинг мутлақо ҳаром эканлигини билмагансиз. Билганингиз эса сизнинг айбингиздир. Билганингизда балки ўртоғингизнинг компютерида фаҳш бор видеони ҳам кўрмаган бўлар эдингиз. Сўзларингиздан ўша видео сизга катта таъсир қилганга ўхшайди. Шунингдек сиз фаҳш ишларни қилиб юрадиган, ўша ишларни гапириб юрадиган пасткаш одамлар билан улфат тутингансиз. Бундай одамлар билан улфат тутиниш ҳеч қачон яхшиликка

олиб бормаган.

Сиз аёлингиздан қониқиш ҳосил қилмай қўйганингизда буни унинг ўзига айтишингиз, икковингиз ўзаро маслаҳатлашингиз лозим эди. Энди ундай улфатлардан ажралиб чиқинг ва жинсий маданиятингизни ўзингиз ҳам, аёлингиз ҳам оширинглар.

Асосийси, Аллоҳга тавба қилинг ва нафсингизга қарши курашинг ва ўта иродали бўлинг. Нафсингизга қарши қаттиқ курашмаганингиз учун сиз зинога қайта-қайта қўл ураяпсиз. Ушбу кураш давомида тинмасдан Аллоҳдан нафсингизга қарши сабот сўранг.

Зинокор аёл: Мен у билан ижтимоий тармоқларда танишган эдим. Узоқ вақт ёзишиб юрдик. Аввалида дўст бўлиб бошланган нарса асталик билан бошқача тус ола бошлади. Бунинг сабаби кўчада уч ёки тўрт марта кўришганимиз деб ўйлайман. Бир куни ишдан қайтаётганимда у телефон қилиб уйда сув қувири ёрилгани ва ҳамма ер сув бўлиб кетганини айтди. Сўнгра уйига яқинроқда бўлсам кириб кўмаклашиб юборишимни илтимос қилди. Уйига бордим. Уйда бир ўзи эди. Сув қувири ёрилган бўлса ҳам сув унчалик тарқалмаган эди. Хуллас у менга тега бошлади мен ҳам ўзимни тўхтата олмадим...

Жавоб: Унинг уйига бораётганингизда ҳаёлингиз қаерда эди!? Ижтимоий тармоқлар орқали шаръий зарурат бўлмаса номаҳрамлар билан суҳбатлашиш ҳаром эканлигини билмасмидингиз? Ўзаро номаҳрам эркак ва аёл холи қолиши ҳаром эканлигини билмасмидингиз?

Сиз ҳозироқ ўша пасткаш эркак билан алоқангизни узишингиз, унинг қўнғироқларига жавоб бермаслигингиз шарт. Аллоҳга холис тавба қилинг ва нафақат фаҳшнинг ўзидан балки унга олиб борувчи йўллардан ҳам узоқда бўлинг.

(Давоми бор)

Афзал Аббор таржимаси